

Юздаги сочларни олиш

16:48 / 01.05.2018 5906

Савол:

Ассалому алайкум Устоз, бир танишим юздаги сочларни ва қошини ўртасини термоқчи. Теришдан олдин менга маслаҳат солган эди. Ҳозирча тўхтатиб турибман. Шу масала ҳақида сиздан сўрамоқчи эдим. Адашмасам қаердадур ўқиган эдим, "юздаги сочларни ва қошини терувчи ва тердирувчи аёлларга вайл бўлсин" деб. Устоз у танишимга тегма десам бир баҳонада туриб олган, "агар юзида сочи кўп бўлсачи, улар қандай турмушга чиқади унда" деган гапига жавоб беролмаяпман. Устоз уларга ҳукм қандай бўлади?

Жавоб:

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ:

- Юзидаги туклар айб бўлса, уларни терса бўлади. Аммо қошни териб бўлмайди.